

Б.Т. Байхонов,
катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАРАРО ИНВЕСТИЦИЯ ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ

Автор на основе анализа производства в экономической сфере разработал конкретные эконометрические модели и рекомендации по распределению инвестиций между отраслями и развитию экономики.

The author, based on the analysis of production in the economic sector has developed specific econometric models and recommendations for the distribution of investment among industries and economic development.

Калитли сўзлар: ЯИМ, ЯММ, инвестиция, эконометрик моделлар, экспоненциал миқдор, тармоқлар баланси.

Миллий иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларни баҳолашда, албатта, макроиқтисодий томондан ёндашилади. Демак, бутун мамлакат миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар кузатилади ва таҳлил қилинади. Жамият тараққиётини таъминлаш учун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётда жами ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблаб боришдир. Бунинг учун миллий ҳисоб-китоблар тузиш борасида керакли бўладиган баъзи муаммоларни ҳал қилиш лозим. Бир бутун иқтисодиёт учун ҳам ижтимоий ҳисоб-китобларнинг зарурияти ана шунга мисол бўла олади. Миллий иқтисодиёт жараёнларини баҳолашга макроиқтисодий ёндашув уни барқарорлаштириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаганда кўпгина давлатлар АҚШ даражасини стандарт сифатида қабул қилиб, ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланишнинг турлича шароитлари иқтисодий ривожланиш даражасини қандайдир битта нуқтасидан туриб баҳолашга имкон бермайди. Булардан энг муҳими, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ЯММ) кўрсаткичидир. Бу кўрсаткичга мувофиқ мамлакат халқаро стандарт бўйича ривожланаётган ёки ривожланган давлатлар категориясига киритилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганларидек, “Ўтган йил якуналарини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз” [1]. Жумладан, 2014 йил якунига кўра, мамлакатда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз ва чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Шуниси эътиборга лойиқки, ишлаб чиқарилган

маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Ушбу эришилган ижобий натижалар мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон ҳукумати макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат олиб борилганлигидан далолатдир[2]. Ўз навбатида, бундай ислохотлар ҳозирги кунда ҳам аграр, мулкӣ муносабатлар, молия-кредит, ташқи иқтисодий алоқалар, нарх-наво ва ижтимоий соҳаларда ҳам амалга оширилмоқда.

Пухта ўйланган иқтисодий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида реал ЯИМнинг ўсиши барча иқтисодий тармоқларнинг ривожланиш ва тараққий этиши билан боғлиқ, чунки ҳар бир тармоқнинг улушини ўзида мужассамлаштиради (1-жадвал).

1-жадвал

2000-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМда тармоқлар улушининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	2000 йил	2004 йил	2008 йил	2013 йил	2013 йилнинг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (-,+)
1	2	3	4	5	6
ЯИМ	100	100	100	100	-
Саноат тармоғи улуши	14,2	17,1	23,1	24,2	10,0
Қишлоқ хўжалиги тармоғи улуши	30,1	26,8	19,7	16,8	-12,5
Қурилиш тармоғи улуши	6,0	4,5	5,6	6,4	0,4
Хизмат кўрсатиш тармоғи улуши	37	37,2	43,0	50,6	13,3
Бошқа тармоқлар улуши	12,7	14,4	8,6	2,0	-10,7


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми ўтган 2000 йилга нисбатан 97,7 фоизга ўсиб, 118986,9 млрд.сўмга етди. Албатта бундай ижобий натижаларга эришишда юқорида таъкидланганидек, етакчи иқтисодий тармоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишларни таъкидлаш ўринли. Жумладан, 2013 йилнинг 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотда саноат тармоғи улуши 10 фоиз, қурилиш тармоғи улуши 0,4 фоиз ва хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 13,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга 1-жадвал маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Бунини авваламбор, иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий

ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Лекин қишлоқ хўжалигининг ўзида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилашлар натижасида 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга ўсди. Тармоқлардаги бундай ўзгаришлар албатта ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишини таъминлади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини эконометрик модели.

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2000 йилдан 2007 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариш графиги билан эконометрик модель ($y = 3047,2e^{0,272x}$ $R^2 = 0,9938$) графиги устма-уст тушганлигини кўриш мумкин. Аммо ҳақиқатдаги ялпи ички маҳсулот қийматлари (2008 йилда -38969,8 млрд. сўм, 2009 йилда -49375,6млрд. сўм ва 2010 йилларда 62388,3млрд. сўм), эконометрик модель орқали ҳисобланган қийматларидан (мос равишда 3 728,3 млрд. сўм, 3118,1 млрд. сўм ва 1 671,3млрд. сўм) ўсганлиги аниқланди.

2012-2013 йилларда эса аксинча, эконометрик модель орқали ҳисобланган қийматлар (2012 йилда -104608,3 млрд. сўм ва 2013 йилда 137307,5 млрд. сўм)дан, мос равишда 6679,0 млрд. сўм ва 18320,6 млрд. сўмга камайгани аниқланди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланиши экстенсив омилар, жаҳон бозорида нефть, газ ва бошқа хомашё ресурсларининг нархи тинимсиз ўсиб бораётган бир шароитда ўсиш суръатлари буларнинг ҳисобидан таъминланаётгани йўқ. Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг кўламли тизимли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ҳамда корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани принципиал аҳамиятга эгадир.



2-расм. Жами капитал қўйилмалар ўзгаришининг эконометрик модели

2-расмда кўринганидек, 2000-2007 йилларда жами капитал қўйилмаларни графиги билан эконометрик модель ($y = 651,55e^{0,2787x}$, $R^2 = 0,9912$) графиги устма-уст тушган. Аммо, 2008-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси жами капитал қўйилмалари ҳажми экспоненциал миқдордан (2008 йилда—1554,0 млрд. сўм, 2009 йил—1958,5 млрд. сўм ва 2010 йилда—1366,8 млрд. сўм) ошганлиги аниқланди. 2012-2013 йилларда эса аксинча, жами капитал қўйилмалар ҳажми экспоненциал қийматдан (2012 йилда – 1599,4 млрд сўм ва 2013 йилда – 3543,4 млрд. сўм) камайганлиги аниқланди.

Бундай ижобий натижаларга эришишнинг асосий боиси, мамлакатда инвестицион фаолиятни такомиллаштирилганлиги ва фойдаланилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни тўғри олиб борилаётганлигидан ҳамда иқтисодий тармоқларда олиб борилаётган ислохотларни авваламбор, етакчи тармоқларга қаратилаётган эътиборда дейиш мумкин.

4-жадвал

Саноат тармоқларига киритилган инвестицияларнинг эконометрик модель қийматлари ва улардан ҳақиқатдаги қийматларининг фарқи

Йиллар	Киритилган инвестициянинг ҳисобланган қиймати (млрд. сўм)	Модель қийматидан фарқи (млрд. сўм)
2000 й.	276,9	55,4
2004 й.	852,9	89,5
2008 й.	2626,5	-667,3
2012 й.	8088,7	294,7
2013 й.	10715,2	901,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

4-жадвалда келтирилган маълумотлар ҳамда тадқиқот натижаларига кўра, 2000 йилдан 2007 йилгача саноат тармоқларига ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажмини графиги эконометрик модел ($y=209,06e^{0,2812x}$, $R^2=0,9848$)

графиги билан деярли устма-уст тушганлиги аниқланди. Аммо 2007-2009 йиллар мобайнида экспоненциал модель графигидан ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми ортган яъни, 2008 йилда 2223,2 млрд сўм ва 2009 йилда эса 3293,8 млрд сўмга тенг бўлган. Эконометрик модель қиймати мос равишда 1982,7 млрд. сўм ва 2626,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, улар ўртасидаги фарқ 2008 йилда 240,5 млрд. сўм ҳамда 667,3 млрд. сўмни ташкил этди.

2013 йилда 2002 йилга нисбатан саноат тармоқларига киритилган инвестиция ҳажми 44,3 баробар ортиб, 9813,4 млрд. сўмни ташкил этди. Аммо таҳлил натижаларидан шу жиҳат ҳам маълумки, 2013 йилда киритилган инвестициянинг ҳақиқатдаги қиймати, эконометрик модел қиймати(10715,2 млрд.сўм)дан901,8 млрд. сўм камайгани аниқланди.

Бу соҳада олиб борилган ислохотлар ва киритилган инвестициялар ҳисобидан, 2013 йилда саноат корхоналари томонидан жами ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳақиқатдаги қиймати 2000 йилга нисбатан 34,1 фоизга ошиб, 64355,0 млрд. сўмга етган бўлса-да, экспоненциал модель ($y=1982,9e^{0,2609x}$; $R^2=0,9814$)нинг қийматидан 12135,0 млрд. сўмга камайганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2000-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида яратилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари графигини эконометрик модель ($y=1444,3e^{0,226x}$; $R^2=0,9882$) графиги билан устма-уст тушган бўлиб, бу ўз навбатида аграр соҳада олиб борилган ислохотлар ва белгиланган вазифаларни ўз вақтида изчиллик билан амалга оширилганликнинг самарали натижаси деб қараш мумкин.

2012 йилдан кейинги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари графигини эконометрик модель графигидан фарқи бу соҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда оз бўлса-да четланиш юз берганидан далолатдир. Ушбу фарқни эконометрик модель бўйича ҳисобланган қийматидан(34179,46 млрд. сўм) ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматини(30849,4 млрд. сўм) айириш орқали кўриш мумкин. Бу фарқ 3330,1 млрд. сўмга тенг бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, албатта, ушбу моделда барча таъсир этувчи омиллар назарда тутилмаган ҳамда ҳозирги кун ҳолатидан келиб чиқиб аниқланган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмида ҳам худди шундай фарқни 5-жадвалдан кўриш мумкин.

5-жадвал

Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларнинг эконометрик модель қийматлари ва улардан ҳақиқатдаги қийматларининг фарқи

Yillar	Киритилган инвестициянинг ҳисобланган қиймати (млрд. сўм)	Модел қийматидан фарқи (млрд. сўм)
2000 й.	44,7	2,1
2004 й.	122,5	8,9
2008 й.	335,7	75,0
2012 й.	919,7	-168,2
2013 й.	1183,3	-150,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

5-жадвал маълумотларидан шуни англаш мумкинки, 2012 йилда ҳақиқатда киритилган инвестиция ҳажми модель қийматидан 168,2 млрд. сўмга, 2013 йилда эса 150,7 млрд. сўм миқдорда кам киритилгани аниқланди. Ушбу фарқ албатта, юқорида келтириб ўтилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини модель қийматидан камайишига олиб келди.

Энди мамлакат ижтимоий-иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим тармоқлардан бири ҳисобланган қурилиш соҳасида амалга оширилаётган инвестицион жараёнларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

6-жадвал

Қурилиш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг эконометрик модель қийматлари ва улардан ҳақиқатдаги қийматларининг фарқи

Йиллар	Киритилган инвестициянинг ҳисобланган қиймати (млрд. сўм)	Модел қийматидан фарқи (млрд. сўм)
1	2	3
2000 й.	3,8	0,2
2004 й.	9,2	-10,3
2008 й.	221,3	34,1
2012 й.	355,4	77,9
2013 й.	541,9	119,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2000-2008 йилларгача бўлган даврларда қурилиш тармоқларига киритилган инвестиция ҳажмининг графиги сонли қатор ($y=0,0096x^6-0,3813x^5+5,6209x^4-38,021x^3+122,79x^2-173,3x+87,102$; $R^2=0,9487$) функциясининг графиги билан деярли устма-уст тушган бўлиб, 2008 йилда киритилган инвестиция миқдори аниқланган эконометрик модель графигига нисбатан 34,1 млрд. сўмга кам бўлиб, 187,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Худди шундай камайиш ҳолатлари 2010 ва 2012 йилларда ҳам кузатилиб, мос равишда 106,6 млрд. сўм, 77,6 млрд. сўм ва 119,6 млрд. сўмга камайганлиги аниқланди. 2013 йилда эса қурилиш тармоқларига киритилган инвестиция ҳажмининг графиги сонли қатор функциясининг графиги билан устма-уст тушиб, 422,8 млрд сўмни ташкил этди. Бундан кўринадики, республикада олиб борилаётган инвестицион сиёсат нафақат илмий жиҳатдан балки амалий жиҳатдан тўғрилиги ўз исботини топмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, 2000-2008 йиллар мобайнида қурилиш ишларининг бажарилишини графиги аниқланган экспоненциал модель графиги билан устма-уст тшган. Аммо 2009, 2010 ва 2011 йилгача бўлган даврларда экспоненциал модель ($y=284,19e^{0,2909x}$; $R^2=0,9895$) натижаларидан қурилиш ишларининг ҳақиқатда бажарилиш қийматлари анчагина (мос равишда 1855,6 млрд. сўм, 1274,6 млрд. сўм ва 179,6 млрд. сўм) ошиб кетганлиги аниқланди. 2012-2013 йилларда қурилиш ишларининг ҳақиқатда бажарилиш ҳажми экспоненциал модел натижалари қийматидан мос равишда 719,7 млрд. сўм ва

1465,9 млрд. сўмга камайиб, ҳақиқатда 11754,0 млрд. сўм ва 15219,3 млрд. сўмлик иш бажарилди.

Хизмат кўрсатиш тармоқларининг жадал ривожланиб бориши ўз навбатида, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминлаш билан бирга, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

7-жадвал

Маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг эконометрик модел қийматлари ва улардан ҳақиқатдаги қийматларининг фарқи

Йиллар	Киритилган инвестициянинг ҳисобланган қиймати (млрд. сўм)	Модел қийматидан фарқи (млрд. сўм)
1	2	3
2000	85,1	8,7
2004	320,9	-82,7
2008	1209,8	-583,6
2012	4561,6	1163,3
2013	6356,5	1948,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, 2000 йилдан 2007 йиллар мобайнида маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига киритилган инвестициялар ҳажмининг графиги билан эконометрик модель ($y=307,78e^{0,3016x}$; $R^2 = 0,9976$) графиги устма-уст тушган бўлиб, киритилган инвестиция миқдори билан эконометрик модел қийматлари деярли бир хил қийматни ифодалайди.

Аммо, 2008 ва 2010 йилларда ҳақиқатда киритилган инвестиция ҳажми эконометрик модел орқали ҳисобланган қийматлардан мос равишда 583,6 млрд. сўм ва 1166,5 млрд. сўмга камайгани аниқланди. Ўз навбатида 2012 йил ва 2013 йилларда эконометрик модел орқали ҳисобланган қийматлардан хизмат кўрсатиш тармоқларига киритилган инвестиция миқдори мос равишда 1163,3 млрд. сўм ва 1948,8 млрд. сўмга камайган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқот натижалари барча тармоқларга киритилган инвестициялар ҳажми маълум бир даврларда меъёрлардан камайганлиги аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келди. Ушбу ҳолат киритилаётган инвестиция миқдори, ишлаб чиқариш ҳажмига ва имкониятининг чекланганлик даражасига мос келиши лозим бўлади. Чунки инвестиция тақсимотида сармоянинг фойдасиз туриб қолиши ва етишмовчилигини олдини олиш, ўз навбатида инвестициядан самарали фойдаланишнинг асосий негизини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. №11. 17.01.2015 й.

2. Н.Х. Жумаев, Р.Х. Алимов, Б.Т. Байхонов, М.А. Бекмирзаев, Ж.О. Имомов Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида. Ўқув қўлланма – Т.: 2011, 213–бет.